

## ШАРТЛИ ҲУҚМНИ ҚЎЛЛАШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Абдуғофаров Аббос Равшан ўғли**

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва криминология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7161897>

Бугунги кунда республикамызда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири сифатида «қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш»нинг белгиланганлиги сўзимизнинг яққол исботидир.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур фармонга мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш;

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш;

суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш;

юримдик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 6, 70-м., № 20, 354-м., № 23, 448-м., № 37, 982-м.

қарорининг қабул қилиниши ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янги сифат босқичига кўтарилганидан далолат беради.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб, жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жинойий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, шунингдек фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш белгиланди.


Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг мазкур йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ айрим нормалари бўйича баъзи фикр мулоҳазаларни билдиришни жоиз деб билдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят қонунчилигига асосан шартли ҳукм қилиш шахсни жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади. Шартли ҳукм қилиш судлар томонидан шахсга озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида шахс томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдор шахснинг ва ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, айбдор шахс тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келсагина қўлланилиши мумкин.

Мазкур жазодан озод қилиш тури қўлланилганда маҳкумга суд томонидан муаян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муаян жойларда бўлмаслик, муаян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Жиноят кодекси 72-моддасининг еттинчи қисмида шартли ҳукм қилиб шахсни жинойий жазодан озод қилиш чегаралари белгилаб қўйилган бўлиб булар:

- шартли ҳукм илгари ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга,
- илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш



жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан жиноятлар таснифланганда ўта оғир жиноят сифатида қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар тушунилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддасининг еттинчи қисмидан тушунимиз мумкинки, шахс ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганидан ёхуд илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганидан сўнг ушбу шахсга нисбатан шартли ҳукм қўлланилмайди.

Жиноят кодексининг 77-моддаси (Судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти)да белгиланганидек судланганлик шахсининг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Шахс ЖКнинг Махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айбдор, деб топилиб, айблов ҳукми эълон қилинганидан сўнг судланган, деб ҳисобланади. Аммо ҳукм қилинишнинг ҳар қандай фақти ҳам судланганликни келтириб чиқармайди<sup>3</sup>.

Ҳукм қилиш айбдорга жазо тайинлашда ҳам, қонунда мавжуд бўлган асосларга кўра жазодан озод қилишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Судланганликнинг келиб чиқиши эса, жазонинг муаян тури ва миқдорини тайинлаган ҳолда айблов ҳукмини чиқариш билан боғлиқ. Мазкур қоида Жиноят кодекси 77-моддасининг 2-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Шундай экан, ЖК 72-моддасининг еттинчи қисмида берилган қоидага асосан, шахсни ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган ёки қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога ҳукм қилинганидан сўнг ушбу шахсни шартли ҳукм қилиш орқали жазодан озод

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2018 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Рсмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2018 й. – 8 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) умумий қисм / М.Рустамбаев. – Тошкент: «Адолат», 2016. – 542 б.

қилиш имконияти чеклаб қўйилмоқда.

Агар шахс қасддан жиноят содир этиб қонунда белгиланган тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, белгиланган жазосини ўтаб чиққанидан сўнг ушбу жазодан келиб чиққан судланганлик, судланганлик муддатининг ўтиши муносабати билан тугалланиши ёки белгиланган тартибда суд томонидан олиб ташланганидан сўнг ушбу жиноятнинг барча ҳуқуқий оқибати бекор бўлади. Фикримизча, ушбу ҳолатдан сўнг шахс томонидан янги жиноят содир этилган тақдирда унинг аввал содир этган жиноятининг барча ҳуқуқий оқибати бекор бўлганлиги боис янги содир этилган жиноятига умумман таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда жиноят қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда Жиноят Кодексининг 72-моддаси еттинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун судланганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, судланганлик муддати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно».

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш билан бир вақтда фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим.

